

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
ўзбек тили ва адабиёти университети ректори

Ш.Сирожиддинов  
2021 й.



**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети  
Компьютер лингвистикаси ва  
рақамли технологиялар кафедраси хузуридаги илмий-тадқиқот марказининг  
НИЗОМИ**

**I. Умумий қоидалар**

1.1. **Компьютер лингвистикаси** илмий-тадқиқот маркази (бундан кейин матнда “Марказ” деб аталади) Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгаши қарори асосида ташкил этилган, ўз-ўзини бошқарадиган мустақил Марказ бўлиб, ўз фаолиятини амалдаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, ОЎМТВ ва университет ректори буйруқлари ҳамда ушбу Низом асосида олиб боради.

1.2. Марказ **Компьютер лингвистикаси ва рақамли технологиялар** кафедраси хузурида ташкил этилади.

1.3. Марказ ноюрidik шахс мақомида бўлиб, университетда очилган ҳисоб рақам, думалок муҳр, бурчак штампи ҳамда ўзбек ва инглиз тилларида номи кўрсатилган расмий иш қоғозларига эга бўлади.

1.4. Марказ билан университет ўртасидаги молиявий масалалар университет ички қоидаларига кўра ҳал қилинади.

1.5. Марказнинг почта манзили – 100100, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Ўқитувчилар кўчаси, 103.

1.6. Марказ расман қуйидагича номланади:  
давлат тилида: “Компьютер лингвистикаси илмий-тадқиқот маркази”,  
инглиз тилида: “Research Center of Computational Linguistics”.

**II. Марказнинг бошқарув асослари ва тизими**

2.1. Марказ университет ректори томонидан тасдиқланган директор томонидан бошқарилади.

2.2. Марказ директори ўз ваколатлари доирасида:

Марказда бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради;

Марказга малакали мутахассислар, иқтидорли илмий тадқиқотчи ва талабаларни жалб этади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижий мамлакатларда университет номидан юридик ва жисмоний шахслар билан ҳамкорлик ва хўжалик шартномаларини тузади;

таълим тизимини такомиллаштириш борасида турли халқаро ва республика миқёсидаги кўرғазма, конференция, семинар ва бошқа тадбирларда иштирок этади;

халқаро таълим ва илмий муассасалари ҳамда турли жамоат ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилади;

университет Кенгаши ва раҳбариятига таклифлар билан чиқади;

Марказ фаолияти ҳақида матбуот ва интернет-сайтлари орқали ахборот таркатади;

илм ва таълимга оид халқаро тadbирлар ташкил қилиш ва ўтказишда иштирок этади;  
Марказ фаолияти доирасида қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида вақтинчалик меҳнат жамоаси тузади, хорижий мутахассисларни шартнома асосида ишга таклиф қилади;  
иктисодий турли соҳаларининг корхона ва ташкилотлари, муассасалари ходимлари учун пуллик шартнома асосида турли хизматларни бажаради;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тақиқланмаган ва мазкур Низомга зид бўлмаган бошқа фаолиятларни амалга оширади.

2.3. Марказ университет тасарруфидаги хоналар ва техник воситалардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

2.4. Марказда турли сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ва диний ҳаракатлар фаолиятига йўл қўйилмайди.

2.5. Марказда бўлимлар, шўъбалар, лабораториялар, кутубхона ва бошқа илмий тадқиқотлар учун керакли иш жойлари ташкил этилиши мумкин.

### **III. Марказнинг мақсади ва вазифалари**

#### **3.1. Марказнинг мақсади:**

тилга оид масалаларни ҳал этувчи компьютер дастурлари, уларнинг маълумот ва билимлари базаларини яратиш, тадқиқ этиш; сунъий интеллект учун тилни моделлаштириш усулларини яратиш, шунингдек, лексик маълумотлар базалари – лингвистик онтология, ахборот кидирув тизимлари, компьютер лексикографияси, машина таржимаси, компьютер лингвистикаси терминологияси, компьютер лингводидактикаси муаммолари тадқиқи билан шуғулланиш ва лисоний рақамли технологиялар ишланмаларини яратиш.

#### **3.2. Марказнинг асосий вазифалари:**

1) тил ва нутқ масалалари билан боғлиқ компьютер дастурлари ҳақида яратади – тилга оид муаммолар ечимини дастурий таъминот ёрдамида беради;

2) мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштиради, уларга амалий самарадорлик талабларини ишлаб чиқади;

3) мавжуд йирик филологик ахборот тизимларини такомиллаштиради, бу борада ўз тавсияларини беради;

4) таржимон дастурлари, грамматик таҳлил та орфографик таҳрир, семантик таҳлил дастурлари ҳамда тизимлари, нутқни синтез қилиш ва нутқни таниш дастурлари каби лингвистик дастурий таъминотлар учун маълумотлар базаларини яратади;

5) лингвистик онтология – тармоқли лексик маълумотлар базаларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб боради, тизим яратилиб, унинг такомиллаштирилишини назоратга олади, мазкур йўналишда марказ бош методик ташкилот вазифасини бажаради;

6) яратилаётган “Ўзбек тили Миллий корпуси” ва “Таълимий корпус”нинг юридик субъекти сифатида доимий равишда мазкур корпусларни такомиллаштириб боради ва бошқа тур тил корпуслари тизимлари, уларнинг маълумотлар базаларини яратади;

7) филологик электрон платформаларни яратади ва такомиллаштириб борилишини назорат қилади;

8) Республикада қуйидаги масалалар бўйича бош методик ва илмий-тадқиқот марказ вазифасини бажаради:

- ахборот тизимларининг лингвистик таъминотини яратиш (ишлаб чиқиш);
- тил ва нутқ бирликларини таркибий моделлаштириш ва формаллаштириш;
- лингвистик моделлаштириш;
- табиий тилни қайта ишлаш;
- тил корпусларини яратиш ва улардан фойдаланиш;

- машина (компьютер) таржимаси, автоматик таржима; машина таржимаси назарияси ва тизимларини яратиш;
- авторефератлаш (инг. *automatic text summarization*), автоматик аннотациялаш;
- маълумотларни автоматик равишда чиқариш (инг. *Data Mining*);
- ўзбек тили учун инфор­мацион кидирув тизимини яратиш;
- маълумотларни қайта ишлаш;
- савол-жавоб тизимларини яратиш;
- лингвистик маълумотлар базасини ишлаб чиқиш;
- электрон лугатлар, тезауруслар ва онотологияларни яратиш;
- нутқ маълумотларини қайта ишлаш (тахлил / синтез) тизимлари (нутқ синтезатори, мулоқот тизими);
- нутқни таниш тизимлари (инг. *Speech to text*);
- белгиларни таниш тизимлари (инг. *OCR*);
- сунъий интеллектнинг лингвистик технологиялари;
- лингвистик эксперт тизимларини яратиш;
- компьютер лингводидактикаси (статистик, алгоритмик, дастурий, компьютер лингвистикаси);
- билимларни бошқариш ва баҳолаш тизимларини яратиш;
- компьютер лингвистикаси бўйича илмий ва техник атамашуносликни тартибга солиш ва стандартлаштириш;

9) мазкур муаммолар бўйича тизимли илмий тадқиқотларни амалга оширади – диссертация, монография ва илмий-услубий қўлланмалар яратиш, нашр ишларини амалга оширади;

10) марказ хузуридаги илмий кенгашда мазкур муаммолар бўйича тадқиқот ишлари муҳокамаси ва илмий семинарлар ташкил этилади;

11) марказнинг илмий хабарларини жамлаган “Компьютер лингвистикаси: муаммолар, ечимлар, истикболлар” даврий тўпламида илмий мақола ва хабарлар чоп этиб борилади;

12) ҳар йили “Компьютер лингвистикаси: муаммолар, ечимлар, истикболлар” мавзусидаги доимий анжуман йиғилишларини ўтказиб боради.

Марказ ўзбек тилининг нуфузини оширишда, рақамли технологиялар ёрдамида уни янги сифат босқичига кўтаришда муносиб хиссасини кўшиш учун фаолият олиб боради, ўзбек компьютер лингвистикасини иктисодий самарадор, бозор талабларига мувофиқ ривожланувчи соҳага айлантиради.

#### **IV. Марказ ва университет ўртасидаги ўзаро муносабатлар**

##### **4.1. Марказ мажбуриятлари:**

- тармоқ ташкилотлари билан ҳамкорлик шартномалари тузиш;
- тармоқ ташкилотларида талабалар амалиётини ташкил этиш;
- тармоқ ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳар ўқув йили учун чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш;
- иктисодиёт турли соҳаларининг корхона ва ташкилотлари, муассасалари билан хўжалик шартномалари тузиш;
- тармоқ ташкилотларида талабаларни иш билан таъминлашга қаратилган аниқ чоралар кўриш;
- кафедра педагог-ҳодимларига тармоқ ташкилотларда амалий тадқиқотлар учун зарур шароит яратиш;

Марказ ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш;  
тадқиқот учун зарур ўқув, услубий ва моддий-техника базасини ташкил этиш;  
ўқитиш ва малака ошириш йўналишлари бўйича зарур ахборот-маълумотлар базасини  
шакллантириш, таълим жараёнига замонавий инновацион педагогик, мультимедиа ва  
ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқишни ва уларни жорий этишни ташкил  
этиш.

#### 4.2. Университет мажбуриятлари:

Марказ фаолиятини кафедра илмий фаолият устувор йўналишларидан келиб чиққан  
ҳолда ташкил этиш;

Марказни ўқув, лаборатория ва бошқа моддий-техник воситалари билан таъминлаш;

Марказнинг ўзига даромад топиши учун зарур шароитларни яратиш;

Марказга тармоқ ташкилотлари муаммоларининг илмий ечимига йўналтирилган  
илмий ишлар дастурини шакллантиришда кўмак бериш.

### V. Марказнинг моддий-техник таъминоти

#### 5.1. Марказнинг молия-хўжалик фаолияти:

хўжалик фаолияти ва шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан тушган тушумлар;

маҳаллий ва халқаро ташкилотлар грантлари маблағлари;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси  
норезидентлари, халқаро ташкилотларнинг хомийлик маблағлари ҳисобига  
шакллантирилади.

5.2. Марказ турли давлат ва жамоат ташкилотлари, тижорат тизимлари ва корхоналар,  
шу жумладан, чет эл фирмалари билан ўз фаолияти доирасида хўжалик шартномалари  
тузиши мумкин.

### VI. Марказнинг халқаро фаолияти

6.1. Марказ ходимларнинг малакасини ошириш, чет элларда илмий-тадқиқот  
ишларини олиб бориш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга  
ошириш мақсадида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

### VII. Яқуний қондалар

7.1. Марказни тугатиш ёки қайта ташкил этиш университет Кенгаши томонидан  
белгиланган тартибда амалга оширилади.

7.2. Марказ Низоми университет ректори томонидан тасдиқланади